КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ 1983 ЙИЛ ИЮНЬ ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ!

# ИДЕОЛОГИЯ ИШИ—БУТУН ПАРТИЯНИНГ ИШИ

ИДЕОЛОГИК, сиёсий-тарбиявий ишларнинг асоси совет кишиларида илмий дунёқараш ва коммунистик идеалларга садоқатни, социалистик Ватанга муҳаббат ва пролетар интернационализмини шакллантиришдан иборатдир. Бу вазифани муваффақиятли ҳал қилишда омма орасида олиб борилаётган ғоявий-сиёсий тарғибот ишларининг таъсирчанлигига эришиш муҳим роль ўйнайди.

Андижон область партия комитети идеология кадрларини танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш соҳасида амалга ошираётган тадбирлар ғоявий-сиёсий ва тарбиявий ишлар мазмунига, унинг ташкилотчилик ва хўжалик фаолияти билан алоқасига ижобий таъсир ўтказмоқда. Аҳолининг маданият даражаси ва хабардорлиги ошиб бормоқда. Улар ҳар куни эшитадиган, ўқийдиган ахборотлар оқими тез ўсмоқда. Ҳозирги ижтимоий ҳаёт шу даражада кенг кўламли-ки, ҳар кимдан билимдонлик билан ҳаракат қилишни талаб этади.

Кишиларнинг дунёқараши, ғоявий-ахлоқий хислатлари: сиёсий етуклиги, ички маданияти, коллективизм, ўртоқларча ҳамкорлиги, ўзаро ёрдами, дўстлиги, ижтимоий бурчни англаши унинг амалий ишида намоён бўлади. Меҳнат кишиларни маънавий бойитиш, ақлий ва жисмоний имкониятларини юзага чиқариш омилидир. Шунинг учун ҳам партия ташкилотлари ўзларининг кундалик фаолиятида кишиларда меҳнатга коммунистик муносабатни тарбиялашга алоҳида эътибор бермоқдалар. Бу ишнинг натижаси ўн биринчи беш йиллик планларини муддатидан олдин бажариш, КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олиш учун бошланган умумхалқ социалистик мусобақасида яққол кўзга ташланмоқда. Бу мусобақада областимизнинг 350 минг ишчи, колхозчи ва хизматчиси қатнашмоқда. Уларнинг 70 мингдан кўпроғи коммунистик меҳнат зарбдори, деган юксак номга сазовор бўлган.

Мусобақани ташкил этишни идеологик жиҳатдан таъминлаш эса янги ташаббусларни ўз вақтида пайқаб олиш ва қўллаб-қувватлаш, меҳнат беллашувининг ошкоралигига эришиш, ибрат кўрсатган кишиларни жамоатчиликка танитиш, рағбатлантириш, илғор тажрибаларни кенг ёйиш, демакдир. Андижон механика заводи, Москва районидаги «Ленинизм» колхози партия ташкилотлари илғорлар тажрибасини кўпчиликнинг мулкига айлантириш соҳасида яхши иш олиб бормоқдалар.

Партия сиёсий маорифи ва иқтисодий таълим системасидаги ўқувлар меҳнаткашлар онгини ўстириш ва уларни олдинда турган вазифаларни бажаришга сафарбар этишнинг муҳим воситаси бўлиб хизмат қилди. Шаҳар ва район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари сиёсий ва иқтисодий ўқишни ташкил этишда КПСС XXVI съезди ва КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил июнь Пленумининг идеология ишини такомиллаштириш тўғрисидаги кўрсатмаларига амал қилдилар. Бу эса машғулотларнинг сермазмун бўлишини таъминлади.

КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил июнь Пленуми қарорларида кундалик ва истиқбол вазифаларини ҳал этишда идеологик, оммавий-сиёсий ишларнинг роли ва аҳамияти беқиёс эканлиги кўрсатиб ўтилган эди. Меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш фақат идеология ходимларинингина эмас, шу билан бирга, бу— бутун партиянинг, унинг барча ташкилотларининг, ҳар бир коммунистнинг иши эканлиги таъкидланганди. Андижон область партия ташкилоти Пленум кўрсатмаларига асосланиб, оммага ғоявий таъсир ўтказишнинг хилма-хил форма ва воситаларидан фойдаланмоқда. Булар матбуот, телевидение, радиоэшиттириш, оғзаки ва кўргазмали агитация, ягона сиёсий кунлардан иборат.

## АМАЛИЙ, МАЗМУНЛИ, ТАЪСИРЧАН

Ягона сиёсий кунлар омма билан жонли мулоқот воситаси бўлиб қолди. Уларда партия, совет, хўжалик, касаба союз, комсомол ташкилотлари активлари сўзга чиқиб, энг муҳим сиёсий воқеалар, партия ва ҳукуматимизнинг сўнгги қарорлари ҳақида ахборот бермоқдалар. Раҳбар ходимлар эса ишчилар, колхозчилар, хизматчиларнинг таклиф ва мулоҳазалари юзасидан шу жойнинг ўзида чора кўрмоқдалар, қийинчиликларни бартараф этиш йўлларини биргаликда аниқламоқдалар.

Ягона сиёсий кунларнинг якунлари шуни кўрсатмоқдаки, совет кишиларининг қизиқиш доираси жуда кенг. Улар дунёдаги ва мамлакатдаги воқеаларни доимо кузатиб борадилар, партия, совет, хўжалик органлари ва жамоат ташкилотларининг идеология муассасалари иши тўғрисида гапириб беришни сўрайдилар. Ягона сиёсий кунларда меҳнаткашлар берган саволларнинг 28 проценти партиянинг социал-иқтисодий сиёсатига, 33 проценти ишлаб чиқаришга доир, 21 проценти халқаро ҳаёт проблемаларига таалуқлидир. Қўрғонтепа, Олтинкўл ва Москва районларидаги кўпгина коллективларда ягона сиёсий кунлар яхши савияда ўтказилмоқда. Меҳнаткашлардан тушган саволлар, таклиф ва мулоҳазалар алоҳида дафтарга қайд этилиб, уларни амалга ошириш тадбирлари белгиланмоқда.

«Очиқ хатлар куни», идеологик планлаштиришлар ўтказиш ҳам анъана бўлиб қолди. Шаҳар ва район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари сиёсий-тарбиявий ишларда турмушга янги урф-одатларни жорий этиш, эскилик сарқитларини тугатишга ҳам алоҳида эътибор бермоқдалар. Меҳнат коллективларида ёшларни ишчилар сафига қабул қилиш, маҳаллаларда тотув оилаларнинг кумуш ва олтин тўйларини нишонлаш, комсомол тўйларини ўтказиш каби замонавий одатлар ҳаётга сингиб бормоқда. Бу ўзгаришлар кишиларнинг турмуш тарзи ва яшаш шароитини яхшилашга, унга замонавий тузатишлар киритишга имкониятлар очмоқда.

Областда лекция пропагандасини системалаштириш соҳасида ҳам муайян ишлар қилинди. Партия комитетлари қошидаги лекторлар группаси бу соҳада иш олиб борувчи кадрлар ядросини ташкил этади. «Билим» жамияти область ташкилоти атрофига ҳам ўн мингдан кўпроқ лектор уюшган. КПССнинг ички ва ташқи сиёсатини, совет турмуш тарзини пропаганда қилиш лекциялар асосини ташкил этади. Областимиздаги Москва, Бўз, Ленин районларида бу иш системали йўлга қўйилган. Бироқ шуни очиқ айтиш керакки, бу соҳада ҳали расмиятчилик, панд-насиҳатчилик таг-томири билан тугатилгани йўқ. Идеологик, оммавий-сиёсий ишларда юзакичилик каби салбий ҳоллар ҳамон бартараф этилмаган. Пахтаобод, Жалолқудуқ, Избоскан район партия комитетларида идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни ўтказишда кампаниячилик ҳоллари учрайди.

Атеистик тарбия соҳасида ҳали кўп иш қилиниши керак. Дин таъсиридан қутула олмаган кишилар ҳам бор. Бу партия ташкилотлари идеология ишларини яхшилашда мавжуд имкониятлардан етарли фойдаланмаётганлигининг оқибатидир. Идеология ишига раҳбар ходимлар актив жалб қилинмаяпти. Баъзи ташкилотларнинг раҳбарлари меҳнаткашлар ўртасида олиб борилаётган сиёсий-тарбиявий тадбирларда кам иштирок этишади.

Кўриниб турибдики, идеология фронтининг барча ходимлари олдида амалга оширилиши зарур бўлган ғоят муҳим ишлар турибди. Партиямиз томонидан очиқ-ойдин белгилаб берилган ана шу вазифаларни муваффақиятли бажариш учун ҳар бир ходим бутун билимини, куч-ғайратини, маҳоратини тўла ишга солиши керак. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев айтганидек, ҳар бир киши ўз иши билан шуғулланиши, ўзининг бевосита бурчини виждонан бажариши лозим.

Меҳнаткашлар ўртасида олиб бориладиган ғоявий-сиёсий ва тарбиявий ишлар тўхтовсиз давом эттириладиган муҳим ишдир. Партия ташкилотлари бу соҳадаги ўз ишларига ҳар доим танқидий назар ташлаб боришлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумида қатъий қораланган юзакичилик, дабдабабозлик ҳолатларига йўл қўймасликлари лозим.

**М. МУҲИТДИНОВ,**
**Андижон область партия комитетининг секретари.**

---

*• Тажриба ва изланиш*

## АНЪАНАНИНГ КУЧИ

**Ҳар доим унумли меҳнат қилиш, бутун куч ва имкониятларни план ва мажбуриятларнинг ошириб бажарилиши учун сарфлаш энг яхши анъаналаримиздан.**

Масалан, ўтган тўрт йилда планга қўшимча 715 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган, топшириқдан ташқари 909 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинган ҳамда фақат таннархни арзонлаштириш ҳисобига 804 минг сўмлик маблағ тежаб қолинган эди. Биз якунловчи йилда ҳам ишлаб чиқаришни ана шундай тарзда ташкил этишни давом эттиряпмиз.

«КПСС XXVII съезди шарафига — 27 зарбдор ўн кунлик!» ватанпарварлик ҳаракатига ўнлаб коммунистлар фаол қўшилдилар. Бошқарманинг фахри бўлган Ш. Тўйчиев, Б. Қаршиев, Ф. Авамилов каби илғор ишчилар ўн беш кунлик топшириқни ўн кунда бажариб, мусобақанинг олдида бораётирлар. Улардан ўрнак олиб меҳнат қилаётганлар сафи тобора кенгайиб бораётир.

Бошқарма партия комитети ишчи ва хизматчиларни тарбиялаш ва маънавий камолотга етказишда муҳим аҳамиятга эга бўлган ижодий анъаналарга кенг йўл очмоқда. Масалан, рационализаторлик ва ихтирочилик ҳаракати астойдил қўллаб-қувватланаётгани туфайли янгиликка интилиш шахталар, участкалар ва бригадаларда оммавий тус олди. 200 га яқин инженер ва техник ходимлар, тажрибали ишчилар фан-техника янгиликларини, илғор тажрибаларни, рационализаторлик таклифларини ишлаб чиқаришга жорий этишда ўзаро мусобақалашиб ишламоқдалар.

Ихтирочилик ҳаракати, айниқса, ўн биринчи беш йилликнинг ўтган йилларида қувончли натижалар берди. Йилига 200 минг сўмлик иқтисодий самара келтирадиган 394 та рационализаторлик таклифи ишлаб чиқаришга жорий қилинди. Бунда В. Долгалёв, А. Корнейчук, В. Неклепаев, А. Бровер каби коммунист ихтирочилар кўрсатаётган ташаббус яхши натижалар бермоқда.

Кейинги йилларда бошқармамизда коммунистик меҳнат ҳаракати қизғин тус олди. «Бугун кечагидан, эртага бугунгидан самаралироқ ишлаймиз!», «Меҳнат ютуқларимиз — КПСС XXVII съездига!», «Кам маблағ сарфлаб кўп ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқарамиз!» шиорлари остида юзлаб кончилар меҳнат қилаётирлар. Партия ташкилоти социалистик мусобақанинг тарбиявий ролидан ҳам унумли фойдаланмоқда. Ҳозир бошқармада салкам 200 кишини бирлаштирган 19 та бригада ягона наряд системаси асосида ишлаяпти. Бу бригадалар пудрат усулининг энг яхши қирраларини пухта ўзлаштириб, прогрессив иш усулининг нечоғли самара беришини амалда кўрсатмоқдалар.

Мураббийлик ҳаракати, ёшларни ишчилар сафига қабул қилиш, энг яхши касб эгаси, мусобақа илғорларини шарафлаш анъана бўлиб қолди. Нарзулла Норбобоев тажрибали мураббийлардан. У кейинги йилларда ўнлаб ёшларни тарбиялаб, мустақил меҳнат қилишга ўргатди. Унинг собиқ шогирдлари ҳозир ўзи билан бирга мусобақалашиб ишламоқдалар. Партия ташкилоти ана шундай тажрибали мураббийларнинг иш тажрибасини кенг ёймоқда.

Кекса авлод вакиллари бизга ажойиб меҳнат анъаналарини мерос қилиб қолдиришган. Ижтимоий ҳаётимизнинг барча афзалликларини ўзида мужассамлаштирган бу анъаналар кишилар билан ишлашда, уларни тарбиялаб камолотга етказишда яқиндан ёрдам бераётир.

**Р. ЖЕРМАЛЬ,**
**Каттақўрғондаги Ингичка кон бошқармасининг ишчиси, КПСС XXVI съезди делегати.**

---

## КПСС ҲУЖЖАТЛАРИ ТЎПЛАМИ

КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Марксизм-Ленинизм институти тайёрлаган «КПСС съездлар, конференциялар ва Марказий Комитет Пленумларининг резолюциялари ва қарорларида» тўплами тўққизинчи нашрининг еттинчи томи босмадан чиқди. Китобга партиянинг 1938 йилнинг январидан 1945 йилнинг сентябригача бўлган даврдаги энг муҳим ҳужжатлари киритилган.

Китобнинг бош қисмида социализм ғалаба қозонган шароитда партиянинг раҳбарлик фаолиятини акс эттирувчи ҳужжатлар берилган. Уларда партия иқтисодий сиёсати масалалари катта ўрин олган. Бир қанча ҳужжатлар идеологик, оммавий-сиёсий ишларга бағишланган.

ВКП(б) нинг XVIII съезди партия, бутун совет халқи ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Томда съезд қарорлари, шунингдек ВКП(б) XVIII конференциясининг резолюциялари берилган.

Еттинчи томнинг катта қисми Коммунистик партиянинг раҳбарлигига бағишланган. Ҳужжатлар Ленин партиясининг совет халқи қозонган Ғалабанинг илҳомчиси ва ташкилотчиси сифатидаги ролини очиб беради. Китоб мамлакат ҳаётини тинч изга ўтказиш соҳасида Коммунистик партия фаолиятини ифодалаб берувчи ҳужжатлар билан ниҳоясига етади.

Китобни Сиёсий адабиёт нашриёти чиқарган. **(ТАСС).**

---

## МАШҒУЛОТЛАР ТУГАДИ

Тошкент Олий партия мактаби партия ва совет ходимлари малакасини ошириш республикалараро курсида тингловчиларнинг навбатдаги группаси машғулотларни тугаллади. Қишлоқ район партия комитетларининг иккинчи секретарлари, Ўзбекистон, Тожикистон ва Туркманистон Компартиялари Марказий Комитетлари ва область партия комитетлари ташкилий-партиявий ишлар бўлимларининг масъул ходимлари таълим олдилар.

Ўқув программасига ривожланган социализмни такомиллаштириш, ҳозирги босқичда КПСС иқтисодий сиёсатининг, партия ва Совет давлати халқаро сиёсатининг энг муҳим масалалари киритилган эди.

Ўқув жараёнида партия комитетларининг партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитети кейинги Пленумларининг қарорларидан келиб чиқадиган вазифаларига, КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олиш учун меҳнаткашлар орасида мусобақани кенг қулоч ёйдиришга алоҳида ўрин берилди.

Курс машғулотларида ҳозирги замон талаблари асосида кадрлар сиёсати проблемалари, ташкилий-партиявий ишларни, халқ хўжалигига партия раҳбарлигининг услуб ва методларини такомиллаштириш масалалари муҳокама этилди. Иш тажрибаси кенг ўртоқлашилди. Тингловчилар Тошкент область Оржоникидзе район партия комитетида ва Ўзбекистон пойтахтининг бир қанча корхоналарида бошланғич партия ташкилотларини мустаҳкамлаш, меҳнаткашларнинг ижтимоий ва ишлаб чиқариш активлигини ўстиришда уларнинг ролини ошириш практикаси билан танишдилар.

Машғулотларда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг масъул ходимлари, министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари, республиканинг таниқли олимлари лекция ўқидилар. **(ЎзТАГ).**

---

**ОММАВИЙ-СИЕСИЙ ИШ ПАРТИЯ БИЛАН ХАЛҚНИНГ БИРЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШИ, МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ КОММУНИСТИК ЭЪТИҚОДИНИ, СИЕСИЙ АКТИВЛИГИНИ ОШИРИШИ, УЛАРНИНГ ИЖОДИЙ ҒАЙРАТИНИ ҚУЛФ УРДИРИШИ ЛОЗИМ. КОММУНИСТЛАРНИНГ ВА СОЦИАЛИСТИК ЖАМИЯТИМИЗ БАРЧА АЪЗОЛАРИНИНГ ОНГИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ — ФАҚАТ ИДЕОЛОГИЯ ХОДИМЛАРИНИНГ ВАЗИФАСИ ЭМАС, БУ — БУТУН ПАРТИЯНИНГ ИШИДИР.**

(КПСС Марказий Комитети 1983 йил июнь Пленумининг «Партия идеологик, оммавий-сиёсий ишининг актуал масалалари» қароридан).

## ОНГЛИ ИНТИЗОМ— МУВАФФАҚИЯТ ГАРОВИ

Сиёсий-тарбиявий ишнинг самарадорлиги ҳар бир ходимнинг меҳнатга, ижтимоий бурчга муносабатида яққол намоён бўлади. Партия ташкилотимиз ҳисобидаги 180 дан зиёд коммунист бу борада ибрат кўрсатаётир. 8 та цех партия ташкилоти ва 17 та партия группасининг кўп қиррали фаолияти ишчиларни онгли интизом, юксак масъулият руҳида тарбиялашга қаратилмоқда.

КПСС Марказий Комитети 1983 йил июнь Пленуми қарорлари асосида идеологик ва сиёсий-тарбиявий ишни яхшилаш диққат марказимизда турибди. 22 агитатор, 10 сиёсий ахборотчи ишчилар орасида сиёсий-тушунтириш ишларини олиб бораётир. Мастерлар, бўлим бошлиқлари ишлаб чиқариш командирлари бўлибгина қолмай, айни вақтда коллективнинг сиёсий тарбиячилари ҳисобланади. Мастерлардан: Ё. Бобожонова, Ж. Эгамберганова, бўлим бошлиқларидан М. Каткина ва С. Дибаеваларнинг мароқли суҳбатлари, кундалик сиёсий ахборотлари ишчиларнинг меҳнат активлигини, ташаббускорлигини оширишда муҳим роль ўйнаяпти.

Партия сиёсий маорифи ва иқтисодий таълим системаларидаги якунловчи машғулотлар коммунистларда, барча ишчиларда ғоявий чиниқишга, экономика асосларини пухта эгаллашга иштиёқ кучайганлигини кўрсатди. Илмий коммунизм, марксизм-ленинизм асослари ва ёш коммунистлар мактабларида 137 киши ғоявий-назарий билимларини оширди. 116 киши эса иқтисодий таълим системасида социалистик экономика ва конкрет экономика асосларини ўрганди. Д. Абдуллаева, З. Қуронбоева, З. Матназарова, С. Ҳожиева каби пропагандистларнинг ибратли тажрибалари умумлаштирилди.

Фабрикамиз ишчилари «КПСС XXVII съездига — 27 зарбдор ўн кунлик» ҳаракатига қўшилиб, стахановчасига меҳнат қилаётирлар. О. Авазова, З. Матёқубова бошлиқ бригадалар мусобақа пешқадамлари. 40 га яқин ишчи ўн кунликда ўн беш кунлик топшириқни адо этмоқда. З. Бердиева, Р. Полвонова, В. Задорина, М. Шариповалар ҳозир июль ойи ҳисобига ишламоқдалар.

Юксак ғоявий эътиқод кишига жўшқин илҳом, катта куч-ғайрат бағишлайди. Корхонамиз коллективи эришаётган пировард натижалар бунинг ёрқин далилидир. Ўтган беш ой ичида пландан ташқари 672 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Меҳнат унумдорлигини планга қўшимча равишда икки процент ошириш ҳисобига 163 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари, бутун коллектив амалга ошираётган ташкилий-тарбиявий тадбирлар туфайли тартиб-интизом мустаҳкамланди, прогулчилик, ичкиликбозлик сингари салбий ҳолатларга барҳам берилди, ишда брак камайди.

КПСС XXVII съезди шарафига олинган социалистик мажбуриятга кўра, беш йиллик планни 20 ноябрда, якунловчи йил планини 26 декабрда бажариш, биринчи сорт маҳсулотлар салмоғини 94,4 процентга етказиш, тежалган хом ашё ҳисобига икки кун ишлаш кўзда тутилган. Биз ана шу режаларнинг рўёбга чиқарилишини идеологик жиҳатдан таъминлаш йўлида ташкилотчилик ва сиёсий-тарбиявий ишларни янада кучайтирамиз.

**Т. АБДУЛЛАЕВА,**
**Урганчдаги В. И. Ленин номли тикувчилик фабрикаси бошланғич партия ташкилотининг секретари.**

---

**«Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли Тошкентдаги электротехника заводи партия ташкилоти энг актив коммунистларни сиёсий докладчи, ахборотчи, агитатор ва пропагандистликка жалб қилган. Улар ҳар куни дам олиш соатларида цехларда бўлиб, ишчиларни мамлакатимизда рўй бераётган муҳим воқеалар билан таништириб борадилар. Энг илғор тажрибаларни, фан ва техника янгиликларини оммалаштирадилар.**

**Суратда: (чапдан ўнгга) заводнинг 3-цех партия ташкилоти секретари, катта мастер С. Охунжонов, 5-цех партия ташкилоти секретари, регулировкачи Е. Смольянинова, бирлашма партия комитети секретарининг ўринбосари Н. Кривошеева, бош инженер ўринбосари, пропагандист Э. Кижнер, рақамли программа билан бошқариладиган станокларга хизмат кўрсатадиган группа раҳбари, пропагандист Б. Ким, 19-цех партия ташкилоти секретари ишчи Л. Куликовская цехларда бўладиган навбатдаги суҳбатларга тайёргарлик кўрмоқдалар.**

**В. Молгачев фотоси.**



---

*БИЗГА ЁЗАДИЛАР*

## ДАЛА ШИЙПОНИДА

КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил июнь Пленуми қарорлари идеология ишининг самарадорлигини ошириш, фаолиятимиз формаларини тубдан ўзгартириш, уни ижодий, жонли ва қизиқарли йўналишларга олиб чиқишга имкон яратиб берди. Бизда ҳозир шунчаки расмият учунгина тадбир ўтказишга қатъиян барҳам берилди. Агитаторлар, сиёсий ахборотчилар ва сиёсий ташкилотчилар сафини қайта кўриб чиқдик, аттестациядан ўтказдик.

Шу кеча-кундузда далаларимизда иш қизғин. Хўжалигимиз бу йил 2930 гектар пахтазорнинг ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил олиш учун курашмоқда. И. Ёров, Ф. Мирзаева, Ш. Маҳмудов бошлиқ бригадалар эса 40-45 центнерлик марра учун курашмоқдалар. Ана шундай долзарб пайтларда биз дала шийпонлари ва чорвачилик фермаларини идеологик ишлар марказига айлантирганмиз. Шийпонларда ҳар куни бирон-бир оммавий-сиёсий тадбир ўтказилади. Умуман, хўжалик бўйича 56 агитатор, 11 сиёсий ташкилотчи ва 10 сиёсий ахборотчи фаол ишламоқда. Айниқса, агитатор Толиб Ризаев, сиёсий ахборотчи Ҳамро Жумаевлар партия топшириғини сидқидилдан бажармоқдалар. Партия комитети бу икки илғор идеология ходимининг тажрибасини оммалаштиряпти.

Ҳосил тақдирини ҳал қиладиган кунлар бошланди. Бу борада планларнинг бажарилишини идеологик жиҳатдан таъминлаш ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Шундай экан, хўжалик партия комитети меҳнаткашлар ўртасида КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олиш юзасидан бошланган социалистик мусобақани тобора авж олдириш, коллектив ўртасида оммавий-сиёсий ва тарбиявий ишларни кучайтиришга интилаверади.

**М. ҲАЙДАРОВ,**
**Боёвут районидаги Руцкий номли совхоз партия комитетининг секретари.**

## БИРИНЧИ ТОПШИРИҚ

У Яккабоғ район партия комитети биносидан чиқди-ю, соядаги скамейкага бориб ўтирди. Бу қиз Калинин номли колхознинг 2-сут-товар фермаси илғор соғувчиси Бибисора Мейлиева эди. У ўрта мактабни тугатибоқ фермага келган. Меҳнатдаги ва жамоат ишларидаги активлиги учун хўжалик коммунистлари уни ўз сафларига қабул қилишди. Бугун район партия комитети бюроси бошланғич партия ташкилотининг Мейлиевани партия аъзолигига кандидатликка қабул қилиш ҳақидаги қарорини тасдиқлади. У райком секретарининг «Сизга биринчи партия топшириғи — агитатор сифатида чорвачилик ходимлари ўртасида тушунтириш ишларини олиб борасиз. Фермада энг юқори иш унумига эришиш, кўп маҳсулот тайёрлашга энди коммунист сифатида ҳам жавоб берасиз», деган сўзларини мулоҳаза қилиб кўрарди.

Бибисора Мейлиева ҳар бош соғин сигирдан йил охиригача 3000 килограммдан сут соғиб олишни режалаштирган. Бу, унинг партиямиз бўлажак съездига совғаси бўлади. Б. Мейлиева, шунингдек, ўзининг биринчи партия топшириғи — агитаторликни ҳам яхши бажармоқда. У ўзининг ёшлик куч-ғайратини ана шу ишга сарфламоқда.

**Х. ҚУҚОНОВ.**

## ИЗЛАНУВЧАН ПРОПАГАНДИСТ

Қўқон темир йўл станцияси партия ташкилоти станция бошлиғи, коммунист Раҳматжон Эркабоевни партия сиёсий ўқуви мактабига пропагандист этиб тайинларкан, ёш мутахассиснинг 1974 йили Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институтини тамомлагач, Жалолобод, Ховос, Тошкент темир йўл станцияларида, Ўрта Осиё темир йўли бошқармасида масъул лавозимларда ишлаб, омма билан ишлашда етарли тажриба тўплаганлигини назарда тутиб янглишмади.

У ҳар бир машғулотга пухта тайёрланиб, тингловчиларга партия тарихи, марксизм-ленинизм асослари, КПСС ташқи ва ички сиёсатини сидқидилдан тушунтириб борди. Унинг машғулотларидан ғоявий озиқ олаётган 13 коммунист ишлаб чиқаришда илғорлик қилиб, коллективни янги муваффақиятлар сари бошлаш туфайли станцияда белгиланган план топшириқлари муддатидан илгари бажарилмоқда. Социалистик мусобақанинг биринчи квартал якунлари бўйича Қўқон темир йўл станцияси шаҳар партия комитети ва шаҳар ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланди.

Р. Эркабоев ҳозир М. Спирина, А. Тожиев, И. Ахроров, Р. Бегматов каби коммунистларга бош бўлиб, станцияда бригада пудрати методини жорий этиш шартларини ишлаб чиқмоқда, ҳар ҳафта, ўн кунда коллектив олдида сиёсий темаларда лекциялар ўқишни режалаштирмоқда.

**А. ОЛИМОВ.**

---

## ИЛМИЙ АХБОРОТ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРАЙЛИК

Кутубхоначилик ишини такомиллаштириш, медицина ходимларининг хабардорлигини ошириш йўллари 12 июнь куни Тошкентда очилган республика илмий-амалий конференцияси қатнашчиларининг диққат марказида турди.

Конференция иштирокчилари ўн иккинчи беш йилликда ахборот-патент ва библиографик хизматни ривожлантириш йўлларини белгилайдилар, тегишли тавсиялар ишлаб чиқадилар. **(ЎзТАГ).**

## ВОҚЕЛИК — МАЪНАВИЯТ КЎЗГУСИДА

# КАМАЛАК ЖИЛОСИДАГИ ДОҒЛАР

### ЯНА МАРМАР ИСРОФГАРЧИЛИГИ ҲАҚИДА

Қирмизи чўғ жилоларини кўрганмисиз? Оқтов чўққилари тонг саҳарда баайни шундай жозиба касб этади. Кейин, ним қоронғи унгурлар бирдан яшнаб кетади, гўё кимдир жавоҳир тўла сандиқни шарақлатиб очади-ю, офтоб нурида товланган инжулар даʼраларни камалак жилосига кўмиб юборади.

РИВОЯТ: Искандар истило қила-қила, ниҳоят Нурота даштларига ҳам етиб келади. Жиндак нафас ростлаш учун у Зарафшон бўйида қолади ва Нуротани маҳв этгани қўшин юборади. Кунлар ўтади ҳамки, қўшиндан дарак бўлмайди. Фотиҳ яна қўшин юборади, яна шу ҳол такрор бўлади. Ахири, тоқати тоқ бўлиб, унинг ўзи от суради. Қоратовдан ўтгач, кўрадики, ҳаммаёқ дуру-гавҳар... У ҳар қанча ҳай-ҳайламасин, лашкарлари бойликка ташланишади ва бор-дунёни унутишади. Жавоҳиротга кўзлари тўймай, уни ташлаб кетолмай шу дарада лак-лак қўшиннинг умри хазон бўлади...

Бу — ривоят, унда диёримиз бойликлари эъзозланган. Зеро, Ғозғон мармари-ю, қоракўл терилар бир инжучалик ёғдуланишга ва турфа жило таратишга қодирдир. Қадимдан Ғозғон мармари ноёб маъдан ҳисобланган. Бу тошдан қимматбаҳо буюмлар ясалган. Қўли гул уста Маҳмуд Ғозғоний ясаган нодир буюмлар XV асрдаёқ элу элатлар эҳтиромини қозонган. Абдураҳим муҳандис ижод этган мармар шер ҳатто инглизларни ҳам ўзига мафтун қилган. Машҳур тоштарош Абдулла Ҳайитов яратган ажойиб асарлар-чи?!

ҲИКОЯТ: Тошкентда, салқингина чойхонада дўппини қўндириб, чой ичиб ўтирган шоир нариги давраʼдагиларга эътиборини қаратди, англадики, улар — ғозғонлик тоштарош Абдулла ҳақида сўзлашаётир. Шоир ёнидан қоғоз-у қалам чиқарди ва бир хат битиб, ўрнидан турди, бориб, ғозғонликлардан бирига: «Шуни Абдуллавойга етказсангиз», деб тайинлади.

Мана, шунга ҳам 28 йил бўлибди. Орадан шунча вақт ўтгач куни кеча биз ана шу хат билан танишдик. Сарғайиб кетган бир варақ қоғозга қуйидагилар битилган эди:

**«Ғозғонлик машҳур тоштарош Абдулла Ҳайитовга!**

**Бу табақ ўртасида қуёш бўлсин,**
**Қўл узатган кишига ош бўлсин.**
**Нурота устасини ким қилса ҳурмат,**
**Эл-юртига раҳбар, бош бўлсин.**

**Мулла Абдуллажон, саломдан сўнг Сизга айтар сўзим шулки, бир варақ қоғоз орқали Сиз билан умрбод дўст тутинайлик.**

**Ғафур ҒУЛОМ,**
**Тошкент шаҳри. 1957 йил, 9 июнь».**

Улуғ шоир Ғафур Ғулом ҳам тоштарош истеъдодига эҳтиром билан қараган. Бу истеъдодни юзага чиқарган эса Ғозғон мармаридир.

Ғозғон мармари...

ФАКТ: 1936 йил Каш-каш конида яна қазиш ишлари йўлга қўйилди. Ўша пайтлар йил бўйи кондан атиги 200—500 кубометр мармар блоки қазиб олинган эди. Табиийки, мармарга эҳтиёжнинг ўсиши иш кўламини кенгайтиришни тақозо этди. Натижада, 1970 йилга келиб коннинг икки участкасида тайёрланадиган хом ашё миқдори 3 минг кубометрга етди. Эндиликда ишлаб чиқариш қазиш ишларини саноат асосига кўчиришга восита бўлди. Шу тариқа 5000 кубометр мармар қазиб чиқаришга мўлжалланган лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланди...

Етмишинчи йилларнинг иккинчи ярмига келиб Ғозғонда мармар қазиш суръати кескин кўтарилди, кўрсаткич 16 минг кубометрга ўсди. Қисман бўлса-да, конлар замонавий техника ва ускуналар билан таъминланди. Ҳозир бу ерда мармар суюқлик қозиқчалари ёрдамида тошни ёриб олиш, детонация берувчи шнурлар, портламайдиган -кенгайтирувчи моддалар, деррик кранлар кўмагида қазиб олинаётир. «Навоимрамор» миқёсидаги ўртача йиллик ўсиш эса минг кубометрни ташкил этаётир. Умумий миқдор бултур 20110 кубометрни ташкил қилди.

ШАРҲ: «НАВОИМРАМОР»НИНГ бош инженери Абдумажид Абдурашидовнинг айтишича, бу кўрсаткич кон ишчиларини қониқтирмайди, ҳали имкониятлар катта! Чиндан ҳам шундайми? Хўш, ундай бўлса, бу имкониятлар нималардан иборат ўзи?!

...Офтоб ёндираман дейди. Тоғ этагидаги кондан компрессорнинг тариллаган овози эшитилади. Яқин боргач, кўрдикки, бу ерда ўн-ўн беш ишчи тош кесаётир. Ниҳоят, улардан бири бошини кўтарди ва қошларини чимириб, қўлимиздаги дафтар-қаламга тикилди. Сўнг у ёнидаги ишчиларга қараб:

— Яна рейдчилар келишди, — деб кулди. Шериклари эса парво ҳам қилишмади. Маълум бўлишича, «Навоимрамор» раҳбарлари тез-тез рейдлар ўтказишар, ишчиларнинг фикр-мулоҳазаларини эътибор бериб тинглашар экан-у, аслида бундан наф келмас экан. Шу боис, ишчиларнинг рейдчилардан ҳафсаласи пир бўлипти! Биз эса ана шу мулоҳазалар замирида мавжуд имкониятларни аниқ кўрдик.

— Ғозғон мармари — тошлар сарвари, дейишади. Чиройли гап, — дейди тўртинчи кондаги тош кесувчилар бригадасининг бошлиғи Ғаффор Сатторов. — Лекин, бу — тошлар сарварини юзага чиқаришнинг ўзи бўлмайди, аксар юмушлар қўл кучи билан бажарилади. Йўқ, ишимиз оғир, деб нолимоқчи эмасмиз. Қани энди замонавий техника беришса-ю, биз ишни қойил қилиб қўйсак! Ахир шу ҳам гап бўптими — компрессорга муайян босимдаги ҳаво етишмаса? Тошни кесишдан бурун конни тозалаймиз, десанг-у, экскаваторнинг фалон нарсаси ишдан чиққан, деса! Шу арзимас нарсани деб бир ҳафта кутсанг! Бир ҳафта ҳам гапми, ана, иккинчи конда насос куйган, савил қолгур олти ойдан буён ётибди. Ҳолбуки, бусиз ишни жилдириб бўлмайди.

Коммунист пармаловчи Баҳром Жумабоевнинг айтишича, ишчиларга коржома бир йилда бир марта берилади, аммо у бир ойга ҳам етмайди!

— Бизга мочалкали кўзойнак керак, — дейди у. — Булар эса нуқул резинали кўзойнак бергани-берган. Резина, биласиз, ҳавони ўтказмайди, натижада тер босиб... бизга қулайлик яратилиши керак-да. Қаранг, оддийгина матоҳ — шланга етишмайди-я! Шундаям бор кучимизни сарфлаб, тер тўкяпмиз-у, бари бир ишлар орқага кетяпти! Олдин пландагидан икки ҳисса зиёд иш бажарган бўлсак, энди бу бир ярим-бир-у чорак ҳиссага тушди. Шу кетиш бўлса, ҳадемай ярим ҳиссага тенглашиб қолади!

Баҳром Жумабоевнинг куйиб-ёнганича бор: кон атрофида очиқ жой йўқ, мармар блоклари тоғ бўлиб кетган. Кон бошлиғи Бахтиёр Рустамовдан, нега булар қалашиб ётибди, деб сўрадик. У, буларнинг бир қисми чиқит, деди, қолганлари, аниқроғи, номерлаб қўйилганлари олиб кетилади...

— Қачон?

ИШЧИ ТЎРАҚУЛ ЭСОНОВНИНГ айтишича, мармар блокни кондан «юлиб» олиш учун улар икки юз метрча трос тортишади, ана шундагина бульдозер уни тортиб чиқаради. Сабаби, коннинг теварак-атрофида қалашиб ётган блоклар туфайли бульдозер бу ерга яқин кела олмайди.

— Бизнинг ҳам арзимиз бор, — деди тош кесувчилар бригадасининг бошлиғи Карим Расулов. — Гап бундай: мана бу ер портлатилди. Кейин биз беш киши апрель ойи мобайнида шу ердаги мармар чиқитини тозаладик, лекин бунга ҳақ тўлашмади... Республикада ўнлаб илмий-тадқиқот институтлари бор, минглаб олимлар ишлашяпти. Наҳотки шулар бизни ўйлашмайди? Оғиримизни енгил қилиш, ахир, шуларнинг ҳам вазифаси-ку!

Ҳа, уларнинг оғирини енгил қилиш олимларнинг ҳам, «Навоимрамор» раҳбарларининг ҳам, қолаверса, Ўзбекистон ССР Бинокорлик материаллари саноати министрлигининг ҳам вазифасига киради!

«Навоимрамор»га қарашли конларда ҳамон портлатиш усулига чек қўйилмаганлиги кишини ташвишлантиради. Бу — чиқит миқдорини бир неча ҳисса оширишидан ташқари хом ашёга путур етказади, айни пайтда коннинг қуйи қисмидаги ғазнада ҳам дарзлар ҳосил этади. Номоз Рўзиев бош бўлган учинчи конда ҳам, шунингдек, иккинчи конда ҳам (бошлиғи Шоди Назаров) маъдандан оқилона фойдаланиш йўлга қўйилмаган. Маҳсулотнинг 67 фоизи чиқитга чиқаётир. Эҳтимол ғозғонликлар, оқилона фойдаланиш дегани нимаси, бундан ортиқ яна нима қилайлик, дейишар! Ҳар ҳолда, иш жойларидаги манзарага, чамаси, улар аллақачоноқ кўникиб қолишган. Лекин Ғозғонда илк бор бўлган киши хирмон бўлиб, уюлиб ётган беҳисоб мармар бўлакларини кўриб, ноёб бу маъданга эътиборсизликдан ранжийди. Буни қаранг: эллик йил ўтиб кетибди-ю, бирон киши ана шу чиқитлардан тўғри фойдаланиш, айниқса, конлар атрофини тартибга солиш хусусида ўйлаб ҳам кўрмабди.

— Энди... масала кўп, — дейди «Навоимрамор»нинг бошлиғи Нуриддин Эгамов. Унинг кабинети мармардан тикланган бинонинг учинчи қаватида жойлашган, салқингина. — Биласизларми, нима — Вьетнамдаги Ҳо Ши Мин мавзолейи, Прага метрополитенининг «Москва» станцияси, бошқа хорижий мамлакатлардаги қатор иншоотлар Ғозғон мармари билан фусункор. Биз бу билан ҳақли равишда фахрланишимиз керак!..

— Нуриддин Эгамович, кун тартибида турган асосий масалалар нима бўлади?

— Ҳал этилади. Мана, ўн иккинчи беш йилликка ташкилотимиз учун 6 миллион 400 минг сўм маблағ ажратилди. Шундан 3 миллион 100 минг сўми қурилиш-монтаж ишлари учун; қолганига оламиз-да замонавий техникани! Гапнинг сирасини айтганда, биз «замонавий техника» деб атаётган иш қуролларини ҳам бугунги талаблар даражасида дея олмайман...

НУРИДДИН ЭГАМОВНИНГ айтишича, яна бир муаммо уни қийнаб турибди. Ташкилот ҳисобига шунча маблағ ажратилган-у, бироқ буюртмани амалга оширадиган, яъни қурилиш-монтаж ишларини сифатли олиб бориш имконига эга бўлган ташкилот топилмаётир.

— Олдин ҳам шундай бўлган эди, — дейди у. — Битиб турган иш чиппакка чиққан. Гап шундаки, бизнинг маҳсулот Навоий шаҳрига — темир йўл станциясига ташиб борилади. Оралиқ масофа — 98 километр. Автомобиль транспорти воситасида ташилса, яъни, ҳозир ҳар тонна маҳсулотга 4 сўм 16 тийин харжланади. Агар, Ғозғонга темир йўл келтирилса, бу чиқим кескин камаяди, атиги 85 тийинни ташкил этади. Фақат шу ҳисобдан ҳар йили 653 минг сўм иқтисод қилиш имкони туғилади. Ўз вақтида бу масала кун тартибига қўйилди. Бироқ қурилиш ишларини бошлаб юборишни бирон бир ташкилот ўз зиммасига олмади, натижада...

Натижада, Ғозғонга темир йўл келтириш муаммоси муаммолигича қолаверди.

«Навоимрамор»нинг бошлиғи эса, минг афсуски, бу муаммолар олдида ожиз... Биз унга яна бир савол бердик:

— ГОСТ талабига мос келмаган, шу йўсин чиқитга чиқарилган блоклардан ҳам фойдаланиш мумкинми?

— Албатта мумкин, — деди у. — Бунинг учун, аввал амбор, мармарни кичик ҳамда юпқа ҳажмда кеса оладиган дастгоҳлар зарур. Ана шунда блоклардан турли хилдаги мармар тахтачалар, қолаверса, ажойиб совға буюмлари тайёрлаш ҳеч гап эмас. Умуман олганда, мармардан бир мисқол ҳам чиқит чиқмайди. Ҳатто мармар унидан паррандаларни парвариш этишда фойдаланиш мумкин. Ҳозирча биз мавжуд имкониятдан келиб чиққан ҳолда чиқитдан мармар увоғи тайёрлаяпмиз. Навоий областида бунга эҳтиёж жуда катта.

Ҳа, «Навоимрамор»га юздан зиёд ташкилот буюртма берган. Афсуски, уларнинг эҳтиёжи ҳозирча тўлиқ қондирилмаяпти. Чунки, Нурота ва Ғозғондаги мармар увоғи тайёрлайдиган цехлар йил бўйи бор-йўғи 64 минг тоннагина маҳсулот ишлаб чиқаради. Хом ашё эса — беҳисоб. Ғозғон конларида **бир ой мобайнида 3600 кубометрдан зиёд чиқит тўпланади. Бирлашманинг сиғими 0,65 кубометрли учала экскаватор эса йил бўйи атиги 3 минг кубометр иш бажаради.** Шу тариқа чиқит йил сайин кўпаётир. Бу эса ўз навбатида ишда қийинчилик туғдираётир.

Мармар конларини кезар экансиз, ҳар бир иш жараёнига тааллуқли, замонавий техникага эҳтиёж беҳад кучли эканлигини чуқур ҳис қиласиз. Бу ердаги мармарни қайта ишлаш цехида ҳам аҳвол шундай: 1971 йили ишга туширилган бу корхона лойиҳа қувватига кўра, ҳар йили 20 минг квадрат метр мармар тахтача ишлаб чиқариши лозим эди. Афсуски бу кўрсаткич ҳануз орзу бўлиб қолаётир. Бултур бу ерда 12,5 минг квадрат метр мармар тахтача тайёрланди, холос. Агар сиз ишчилардан: «Лойиҳадаги қувватга эришиб бўладими?» деб сўрасангиз, «Бўлмасамчи!» дейди улар. Бунинг учун замонавий тошкесар дастгоҳлар зарур, цех қишда иситилиши, сув билан таъминлаш эса яхши йўлга қўйилиши лозим.

Ғозғонда совғалар цехи очиш ҳақида анчадан буён гап юрипти-ю, аммо амалий ишдан дарак йўқ. Ҳолбуки, бу цехни очишга зарурат кучли.

«Навоимрамор» раҳбарлари ана шу масалаларни жиддий ўйлаб кўришса бўларди.

**ХОТИМА: Ғозғон конларини кеза туриб ана шундай муаммоларга дуч келдик. Бу муаммоларни бартараф этиш эса мармар исрофгарчилигини камайтиради. Модомики гап шу ҳақда экан, бир суҳбатни эслаш ўринлидир: мармар блоклари тоғ бўлиб ётган кон ёнида туриб биз умумий чиқит миқдори қанча эканлиги билан қизиқдик. Шунда Нуриддин Эгамов бироз ўйланиб турди-да, кейин саволга савол билан жавоб қайтарди:**

**— Ҳаммасими? 1936 йилдан бери конда йиғилган чиқитларни сўраяпсизми, ёки?..**

**— Ҳа, ташкилотингизга тегишлиси қанча ўзи?**

**— Чиқиб қолар — 1 миллион тонна. Ёки 500 минг тоннамикан, а? Ишқилиб, нима бўлса ҳам 50 йиллик чиқит бор-да. Бундан фойдаланишимиз керак.**

ҲА, АЛБАТТА ФОЙДАЛАНИШ керак. Улар Ғозғон мармарининг камалакдек жилосига ҳуснбузар бўлиб турмасин. Ўзбекистон ССР Бинокорлик материаллари саноати министрлигидаги мутасадди ўртоқлар ҳам бу ҳақда жиддий ўйлаб кўришлари, табиатнинг ноёб инъоми — мармарни оқилона қазиб олиш, чиқитдан самарали фойдаланиш, конлардаги ишлаб чиқариш жараёнларини замонавий техника воситалари зиммасига юклаш, шароитни яхшилаш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгилашлари лозим.

**Ғаффор ҲОТАМОВ,**
**Абдурауф ҚОРЖОВОВ,**
**«Совет Ўзбекистони» мухбирлари.**

✦ МУСОБАҚА КУНДАЛИГИ

## ОФАТДАН КУЧЛИ

**✦ Бу йил Ўзбекистон районидаги «Қолгандарё» совхозининг С. Алиев бригадаси пахта майдонларида ғўза ниҳоллари иккинчи марта қийғос ундириб олинди. Механизаторлардан ака-ука Валижон ва Нўъмонжон Алиевлар дарҳол ниҳолларни парвариш қилишга киришдилар.**

— Мазкур оилавий бригада қўриқ хўжалигимизнинг барча пахтакорлари учун жуда машаққатли бўлган бир пайтда ҳаммага намуна кўрсатди, — дейди совхоз директори Вали Ҳамроқулов. — Бригада аъзолари РАПО мутахассислари билан маслаҳатлашиб, бўрон бўлиб ўтган куннинг эртасигаёқ чигитни қайта экишга киришдилар. Пахтакорлар қўшимча парвариш қилиш, минерал ва органик ўғитлар билан озиқлантириш йўли билан ғўзаларнинг ривожланишдан орқада қолмаслигига эришмоқдалар. Улар ҳар гектар қўриқ ердан пландагидан беш центнер кўп, яъни ўттиз центнердан ҳосил кўтариш мажбуриятини олишган.

Кучли бўрон совхоз пахтазорларининг қарийб учдан бир қисми — 4,5 минг гектар майдондаги экинзорга зарар келтирди. Ола жойларга чигит экилиб, ғўза қаторлари нормал ҳолга келтириб олинди.

## МЕЛИОРАТОРЛАР УЧУН

**● Тошкент тажриба-механика ремонт-экскаватор заводининг Андижондаги филиали коллективи рекламациясиз меҳнат қилмоқда. Корхона темир-бетон новариқлар учун металл қолиплар ишлаб чиқармоқда.**

Корхона коллективи СССР Озиқ-овқат программасини рўёбга чиқаришга ўз ҳиссасини қўшишга интилиб, бу йил ана шундай буюмлар ишлаб чиқаришни тўрт баравар жадаллаштиришга қарор берди. Социалистик мажбурият шараф билан бажарилди.

Филиалда буюртма қабул қилинар экан, уни бажариш учун иккита комплекс бригада ташкил этилди. Бригадалар энг яхши ишчилар ва мутахассислардан иборат бўлди.

Бригадаларнинг новариқлар учун қолиплар ишлаб чиқараётган аъзоларидан Илёс Сейтмамбетов ва Николай Медников республиканинг темир-бетон заводларига 350 та қолип тайёрлаб беришдан иборат буюртмани муддатидан уч ой илгари бажаришга сўз бердилар.

**(ЎзТАГ).**

*«Совет Ўзбекистони» материаллари изидан*

# «ЖИЗЗАХ ЧЎЛИ — МАРДЛАР МАЙДОНИ»

**Газетамизнинг шу йил 50-сонида босилган юқоридаги сарлавҳали мақолада Жиззах чўлига кўчиб келаётган ватанпарварларни жойлаштириш, уларни уй-жой билан таъминлаш, маданий-маиший шароитлар яратиб беришда жиддий нуқсонларга йўл қўйилаётганлиги очиб ташланиб, тегишли мутасадди ташкилотлар танқид қилинган эди.**

**Ушбу мақола юзасидан қуйидаги ташкилотлардан жавоблар олинди.**

**ЎЗБЕКИСТОН ССР УЙ-ЖОЙ-КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ МИНИСТРЛИГИ йўллаган жавобда шундай дейилади: — Жиззах областининг чўл районлари, шунингдек, Пахтакор ва Гагарин шаҳарлари ҳамда районларнинг Дўстлик, Юлиус Фучик ва Зафаробод каби марказлари министрлик балансида бўлиб, улар Сангзор ва Ержар ичимлик суви билан таъминланмоқда.**

**Ҳозирги вақтда министрлик томонидан Зарбдор район марказида сув чиқариш иншооти ва водопровод тармоғи қуриляпти.**

**ЎЗБЕКИСТОН ССР АЛОҚА МИНИСТРЛИГИдан олинган жавобда қайд этилишича, 1985 йилда Й. Қурбонов номли 14-совхозни телефонлаштириш умумий ҳажми 33 минг сўмлик бўлган қурилиш-монтаж ишлари планига киритилган. Юз номерли АТС қурилиб, ишга туширилиши керак.**

Мунтазам равишда пудрат ишлари планини бажармаганлиги ва қурилишни қониқарсиз ташкил этганлиги учун Жиззах ПМКси алоқа бошлиғи Г. Иванов вазифасидан четлатилди. Министрлик ўз қарамоғидаги бу ташкилотнинг ишлаб чиқариш хўжалик фаолиятини янада яхшилаш юзасидан чора-тадбирлар кўрмоқда...

— «Узбекгазстрой» тресты бўлинмалари бир неча йиллардан бери «Джизакстепстрой» бошқармасининг буюртмаси асосида Жиззах областининг янгидан ташкил этилган совхозларидаги уй-жойларни газлаштириш ва бошқа эҳтиёжларни қондириш мақсадида газ узатиш ва тақсимлаш тармоқларини қуриб келмоқда, — дейилади.

БУТУНИТТИФОҚ «СОЮЗУЗБЕКГАЗПРОМ» БИРЛАШМАСИ йўллаган жавобда. — Бирлашма бўлинмалари 1981-1985 йилларда «Джизакстепстрой» бошқармасининг буюртмаси бўйича область совхозларини, шу жумладан, Зарбдор районини газ билан таъминлаш ишларини шартнома планида кўзда тутилган 4,91 миллион сўмлик ўрнига 4,79 миллион сўмлик қилиб бажардилар.

«Союзузбекгазпром» бирлашмаси Жиззах областининг чўл зонасидаги совхозларни газлаштириш бўйича бу йилги буюртманинг тўла ҳажмда бажарилишини таъминлайди.

«ГЛАВСРЕДАЗИРСОВХОЗСТРОЙ» БОШ БОШҚАРМАСИ хабар қилади: — Мақола Бош бошқарма ва «Джизакстепстрой» территориал бошқармаси советида муҳокама қилинди. Мақолада таъкидланганидек, ҳақиқатан ҳам баъзи камчиликларга йўл қўйилган.

Бош бошқарманинг 1985 йил учун ишлаб чиққан ташкилий-техникавий тадбирлар планида биринчи навбатда мактаблар, мактабгача муассасалар, жамоат овқатланиш корхоналари ва савдо, бошқа маданий-маиший объектлар қурилиши кўзда тутиляпти. Шунингдек, планда яқин йиллар ичида қўриқ совхозлар қурилишини лойиҳада кўрсатилганидек якунлаш ва бундан буён қўриқ ерларни ўзлаштириш иши билан посёлкалар қурилиши ўртасидаги узилишларга йўл қўймаслик режалари бор. Жумладан, 1985 йил планига кўра, «Ленин йўли», «Андижон», «Ғалаба», «Прогресс» совхозларида уй-жой ва маданий-маиший объектлар қурилиши ишлари ҳажми кўпайишига қарамай газлаштиришни якунлаш назарда тутиляпти. Шу йилнинг иккинчи ва учинчи кварталида «Хоразм» ва «Ғалаба» совхозларида қишлоқ алоқа бўлимлари қурилиб, ишга туширилади. Район марказида ва совхозларда доимий алоқани таъминлаш учун «Джизакирмонтаж» трестининг 6-механизациялашган кўчма колоннаси қошида ихтисослаштирилган участка ташкил этиляпти.

Ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ирригация ва коллектор-зовур тармоқларидан фойдаланиш борасида йўл қўйилган камчиликларни тугатиш юзасидан ҳам чора-тадбирлар белгиланди. 1985 йилда сув хўжаликлари ташкилотлари ишлаб чиқариш базаларини янада ривожлантириш кўзда тутилмоқда. Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати устидан назоратни кучайтириш мақсадида кузатув гидрорежим тармоғи қурилади, шунингдек, коллекторларда гидропостлар барпо этилади.

«УЗКОЛХОЗСТРОЙ» БИРЛАШМАСИдан маълум қилинишича, мақола бирлашмада ва «Узколхозстрой»нинг Жиззах трести Советида муҳокама қилинди. 1985 йилда саккиз минг квадрат метр уй-жой қурилиши кўзда тутиляпти. Бу масалада «Джизакстепстрой» билан ҳамкорликда тегишли тадбирлар ишлаб чиқилди...

— Мақола бошқарма Советининг кенгайтирилган йиғилишида муҳокама қилинди, — дейилади «ДЖИЗАКСТЕПСТРОЙ» ТЕРРИТОРИАЛ БОШҚАРМАСИдан олинган жавобда. — Камчиликларни тугатиш юзасидан бир қатор тадбирлар белгиланди. Андижондан кўчиб келганлар газ, ичимлик сув билан тўла таъминландилар. Кўчиб келганлардан 63 та оила янги уйларга, 158 та оила ремонт қилинган уйларга, 99 та оила эса икки хонали уйларга жойлаштирилди.

Ишчилар таъминоти бошқармалари кўчиб келган оилаларни кундалик эҳтиёж моллари билан мунтазам равишда таъминлаш чораларини кўрмоқдалар. Уларнинг фарзандлари болалар боғчаларига жойлаштирилди. Территориал бошқарманинг қурилиш ташкилотлари совхозларда уй-жой, маданий маиший объектлар қурилишини тез суръатларда олиб бормоқдалар. Шу йилнинг биринчи кварталида учта совхозда ошхона, ҳаммом, икки совхозда спорт майдончалари фойдаланишга топширилди.

1, 2, 3-насос станциялари ҳамда «Прогресс», «Андижон», «Партия XXV съезди», «Ғалаба», «Хоразм» «Озарбайжон», «Ленин йўли» совхозлари билан телефон алоқаси ўрнатилди. «Хоразм» совхозида сув иншооти қуриш 1985 йилнинг учинчи, тўртинчи квартали планига киритилди ва лойиҳа ҳужжатлари тасдиқланди. Й. Қурбонов номли совхозда қишлоқ алоқа пункти қурилиши 1986 йилда бошланади.

## МУТАХАССИСЛАР МАСЛАҲАТИ

# МАҲСУЛДОРЛИК ОМИЛЛАРИ

### Сигирлардан мўл-кўл сут соғиб олиш учун нималарга эътибор бериш керак?

**ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлими илмий тадқиқот институтларининг олимлари май ва июнь ойларининг биринчи ўн кунлигида республика агросаноат комплекси ходимлари билан бирга Қашқадарё, Жиззах, Сирдарё, Тошкент, Фарғона, Андижон, Наманган, Самарқанд, Бухоро, Навоий областларининг қатор хўжаликларидаги чорвачилик фермалари ва комплексларида бўлдилар. Уларга чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш борасида амалий ёрдам кўрсатдилар. Кўплаб колхоз ва совхозларда ҳар бир соғин сигир ҳисобига кунлик сут соғиб олиш 800-1000 грамм ортди, сутнинг ёғлилиги эса 0,1-0,3 процент кўпайди.**

Маҳсулдорликни оширишда молларни тўғри озиқлантириш асосий роль ўйнайди. Сигирлар рационида протеин, коротин ва бошқа минерал моддаларнинг етарли бўлишига эришмоқ зарур. Бўғоз сигирлар учун қуйидаги рацион тавсия этилади: беда, судан ўти ва соргонинг кўк массасидан 40-45 килограмм, концентратлардан 1,5-2 килограмм, туз, оҳак ва бошқа минерал қўшимчалардан молларнинг иштаҳасига қараб берилади.

Агар сигир ориқ бўлса, уни туғиш давригача яхши кондицияга етказиш керак. Бу ҳолда рацион янада тўйимли бўлишига эришмоқ лозим. Тажрибаларнинг кўрсатишича, агар бунга эришилмаса, кейинчалик сигирларни намунали парвариш қилганда ҳам улардан кутилганча сут соғиб олиш қийин.

Агар сигир яхши боқилган бўлса, туққанидан кейин 12 килограмм сут беради. Сигир туғишидан олдин ориқ бўлса, одатда унинг туққанидан кейин берадиган сути кунига 6 килограммдан ошмайди. Шундан кейин ҳам сутини камайтириб боради. Унинг суткалик маҳсулдорлиги фақат туққандан кейинги дастлабки даврда паст бўлибгина қолмай, бу кўрсаткич 6 ойдан кейин ҳам сақланиб қолади.

Бўғоз сигирларни охурлар ва суғориш ускуналари бўлган усти ёпиқ майдонларда сақлаш яхши натижа беради. Тоза ҳаво, соя жой, уларга яхши таъсир кўрсатади. Июль-август ойларида бузоқлаган сигирлар яхши шароитда сақланиб, тўйимли озуқалар билан боқилса, йил охиригача мўл-кўл сут бераверади. Сигирларни ва бузоқлаган ғунажинларни дастлабки 2-3 ойда озуқа билан етарли таъминлаш кўпроқ сут соғиб олишга имконият яратади. Шундай қилинганда, жониворларнинг маҳсулдорлигини сақлаб қолиш мумкин. Бунда озиқлантириш техникасига қатъий риоя қилиш керак.

Сигирлар бузоқлагандан сўнг ярим-бир килограмм майдаланган буғдой билан озиқлантирилиб илиқ сув билан суғорилиши керак. Улар туққанидан икки-уч соат кейин хоҳлаганча пичан ва 1-1,5 килограмм майдаланган буғдой бериш мақсадга мувофиқдир. Кейинги кунларда аста-секин рационга кўк озуқалар киритиш тавсия этилади. Сигир бузоқлагандан сўнг 15-18 кун ўтгач, унинг маҳсулдорлигига қараб, тузилган рационга концентратлар ҳам қўшилади.

Сигирларга бериладиган рацион ундан соғиб олинадиган сутга мувофиқ келгандагина соғишни бошлаш керак. Агар молларга рационга қўшимча яна бирмунча озуқа (2-3 озуқа бирлиги) берилса, соғиш натижаси тезда кўринади. Агар қўшимча озуқа билан таъминланган сигирлар сутини оширса, унда рациондаги озуқа миқдори яна кўпайтирилади. Сигирлар ва туққан ғунажинларни соғишда уларни тез-тез (олти, етти марта) озиқлантириш ва соғин сонини 3 мартагача ошириш лозим.

Шуни эсда тутиш керакки, сигир ўзи бериши мумкин бўлган сутнинг ярмидан кўпроғини туққандан кейинги 120 кун мобайнида беради. Бу даврда молларни тўғри озиқлантирмаслик маҳсулдорликнинг пасайишига олиб келади. Сигирлар ёз даврида кунига камида 50-60 килограмм кўк озуқа ейиши керак. Кўк озуқага пиво ачитқиси, вино бардаси ёки атала қўшилса мавсум мобайнида улардан 15 процентгача қўшимча сут олиш мумкин. Бу ҳар бир сигирдан яна ёғлилиги 3,7 процент бўлган 300 килограмм сут соғиб олинади, демакдир.

Моллар ёзги рационда, айниқса, бузоқларнинг сут эмадиган даврида уларни кўк беда билан боқиш мақсадга мувофиқдир. Бедани ўриб олишнинг энг мақбул даври унинг гуллашигача бўлган пайтидир. Бу вақтда кўк массада энг кўп протеин бўлади. Беда гуллашгача бўлган даврда ўриб олинганда жавдар, сорго, сули ва бошқа озуқа экинлари кўк массасидан анча тўйимли бўлади. У моллар сутини оширади. Беданинг ўримлари ўртасидаги даврда молларни ширали озуқалар билан таъминлаш учун беда кўк массасининг консерваланганидан фойдаланиш мумкин.

Бунда консервантлар сифатида нисбати 1:3 ёки 1:4 бўлган суюлтирилган чумоли кислотасини кўк беданинг бир тоннасига тўрт литрдан, маккажўхорининг бир тоннасига уч литрдан, кукун кўринишидаги бензой кислотасининг 3 килограммини бир тонна кўк бедага ва 2,5 килограммини бир тонна маккажўхори поясига аралаштириш тавсия этилади.

Кўк массани консервалаш ҳар қандай об-ҳаво шароитида, ҳавонинг намлиги 75—85 процент бўлганда ҳам амалга оширилаверади. Юқоридаги усул билан ишлов берилганда юқори сифатли озуқа 95-99 процентни, бедада коротиннинг сақланиб қолиши 75-80 процентни, маккажўхорида 78-90 процентни, протеиннинг сақланиб қолиши 85-90 процентни, қуруқ модда 90-95 процентни ташкил этади.

Молларни ёзда озиқлантиришда тез-тез хатога йўл қўйиш рационда етарли миқдорда протеин бўлмаслигига олиб келади. Бундай ҳолни биз Андижон области хўжаликларида кузатдик. Сигирлар рационига май ойи охири ва июнь ойининг бошларида маккажўхори силоси, жавдар пичани ёки сорго ва жавдарнинг кўк массаси киритилиши сутнинг камайишига олиб келди. Моллар рационига беданинг иккинчи ўрими кўк массаси киритилганда ҳар бир сигирдан соғиб олинадиган сут 1,3—1,5 килограмм, айрим юқори маҳсулдор сигирларда эса 2,5-3 килограмм кўпайди. Ленин районидаги Ленин номли колхозда шундай кўрсаткичга эришилди. Протеинни ҳеч нарса билан алмаштириб бўлмайди. Агар рационда сигир 12 килограмм сут бериши учун бошқа озуқа моддалар етарли бўлса-ю, протеин етишмаса, мўлжалдагидан анча кам сут олиш мумкин. Агар рационни ўзгартириб, унда шрот, жавдар ёки соргонинг кўк массасини оз миқдорда қолдириб, уларни беданинг гуллаш арафасида ўриб олинган кўк массаси билан алмаштирсак, тўғри йўл тутган бўламиз.

Сигирларни маҳсулдорлигига қараб озиқлантириш лозим. Аммо кўплаб хўжаликларда бунга етарли эътибор берилмайди. Юқори маҳсулли моллар умумий группада сақланади ва улар тўйдириб озиқлантирилмайди. Бундай сигирларни махсус хоналарда алоҳида рацион асосида боқиш керак. Яйратиб боқиладиган майдонларда эса уларга алоҳида жой ажратиш лозим. Кўп сут берадиган сигирлар рационини улар берадиган сутга мувофиқ келгунича ошириб бориш даркор. Агар сигир бузоқлагандан сўнг суткасига 15 килограммдан сут бераётган бўлса, демак, у шунча миқдорда сут бериши учун етарли озуқа билан таъминланаётган бўлади. Агар молга берилаётган озуқа фақат 10 килограмм сут олишни таъминлаётган бўлса унда маълум муддат мобайнида сигир ўз танасидаги озуқа моддалари запасидан фойдаланади. Кейинчалик сутини 10 килограммгача камайтиради.

Сигирларни ҳар куни бир вақтда озиқлантириш ва тозалаб туриш лозим. Озиқлантириш тартиби ва вақтдаги мунтазамлилик сут берадиган сигирлар учун катта аҳамиятга эга. Одатда молларга бериладиган концентратларнинг ярмиси атала тайёрлашда ишлатилади ва улар эрталаб соат 5 да берилади. Қолганлари соат 17 да, соғишгача ёки соғишдан кейин берилади. Бир килограмм концентрат ҳисобига 3—4 килограмм сут олиш сут ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини таъминлайди.

Молларга бериладиган кўк озуқа суткалик нормасини (50-70 килограмм) салқин вақтларда 5—6 марта; эрталаб соат 7 да бино ичида, 10 ва 12 да яйратиб боқиладиган майдонда; тўртинчи марта соат 15 да бино ичида, бешинчи ва олтинчи марта соат 20 ва 23 да яйратиб боқиладиган майдонда бериш мақсадга мувофиқдир. Агар юқори маҳсулли сигирлар суткасига 2 мартадан ортиқ соғиладиган бўлса, бу сигирларни яна ҳам тез-тез озиқлантириш лозим. Шу йўл билан кўк озуқалардан ёзнинг иссиқ даврида ҳам самарали фойдаланишга имконият яратилади.

Сигирларга ош тузини мунтазам бериб бориш керак.

Шундай қилиб, моллар подасининг юқори маҳсулдорлиги уч фактор: зотдор молларнинг мавжудлиги, уларни етарли миқдорда озиқлантириш ва яхши сақлашга боғлиқдир.

**Ш. АКМАЛХОНОВ,**
**ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлими президиуми раиси, ВАСХНИЛ мухбир аъзоси.**

**У. НОСИРОВ,**
**Ўзбекистон чорвачилик илмий-тадқиқот институти директори, профессор.**

